

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Иқтисодиёт ва молия вазири**  
**Ж.А. Қўчқоровга**

Хурматли Жамшид Анварович,

Бугунги кунда Мухтарам Президентимизнинг халқ манфаатларини кўзлаб олиб бораётган ислохотлари натижасида барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар, янгиланиш ва ривожланишлар содир бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан Жаҳон Банки билан ҳамкорлик доирасида мамлакатимизнинг чекка маҳалларида Сизнинг раҳбарлигингизда “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида маҳалламиз янги қиёфада акс этди.

Қишлоғимизда амалга оширилган сув таъминотини яхшилаш лойиҳасининг натижасида 4,8 километр сув тармоғи тортилиб, ҳозирда барча хонадон тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, қишлоғимиздаги узок кутилган 6,8 км ички кўчаларга асфалт ётқизиш лойиҳаси ҳам бир неча кун аввал муваффақиятли ниҳоясига етиб, йўлларимиз равон бўлди ва кундалик турмушимиз анча енгиллаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, бундан 3 йил олдин бошланган лойиҳани амалга оширишда аҳоли томонидан кўплаб ишончсизлик ва совуқ муносабатлар билдирилди. Лекин шунга қарамасдан қийинчиликларда маҳалладошларимиз ёнига келиб, ўзининг манзилли тадбирлари билан аҳолини лойиҳани биргаликда амалга оширишда жонбозлик кўрсатган ходимларга минг раҳмат.

Мана шундай ислохотларни амалга оширишда Сизу бизга елкадош бўлиб, лойиҳанинг қаноти бўлган, аҳолини шу ташаббусларни амалга оширишда ўзининг тарғиботи билан маҳалладошларни тўғри йўлга эргаштира олган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, кўмакдош ҳамкор ташкилоти Болгариялик “CEED” ва Ўзбекистонлик “Rhythm Plus” компанияларининг раҳбарияти, қишлоқ фасилитаторлари ва муҳандисларига ҳам маҳалладошларимиз номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ичимлик суви лойиҳасини амалга оширган “Yangiqo'rg'on qurilish montaj” МЧЖ ва ички кўчаларни асфальтлаш лойиҳасини амалга оширган “Best stroy 2020” МЧЖ пудратчи корхоналарига ҳам қурилиш-монтаж ишларининг юқори сифатда ва белгиланган муддатларга риюя қилган холда олиб борганларига, ҳамда барча ишчиларнинг кўрсатган юқори касбий маҳоратлари учун ҳам чуқур миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Келажакда юртимизни янада гуллаб яшнаши йўлида бошқа кўпалаб маҳаллаларида халқимизнинг оғирини енгил қилишдаги машаққатли меҳнатларингизда Сизга ва Сиз орқали барча лойиҳа ходимларига куч-қувват, ғайрату-шижоат, соҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилаб қоламыз.

Хурмат билан,

- МФЙ раиси: *Тоқибайев*
- МТГ раиси *Дурайтмиров*
- МТГ аъзоси *Убайдуллаева*
- МТГ аъзоси *Бембаева*
- МТГ аъзоси *Махмуров*
- МТГ аъзоси *Рахмонова*
- МТГ аъзоси *Ҳусрайонов*
- МТГ аъзоси *Мамадаев*
- МТГ аъзоси *Мамаданова*
- МТГ аъзоси *Тоқибайева*
- МТГ аъзоси *Мамажанова*
- МТГ аъзоси *Ҳусрайимова*

